



19:00 / 25 июль 311

نَمَسْمَخْلُكِي فُبَجِي وَ
سَمَخِي فُمُثْ، ةَأَشْرَلِبِإِلَا
يَفَوِ، ضَاخْمُتَنْبَنْبَنِ رُشَعَوِ
، نُوْبَلُتَنْبَنْبَنِ ثَالِثَوُتِسْ
، ةَقِحَنْبَنِ رَأَوُتِسْ يَفَوِ
، ةَعَدَجَنْبَنِ تِسْ وَ يَدْحِإِي فَوِ
أْتَنْبَنْبَنِ غَبَسْ وَ تِسْ يَفَوِ

نِغَسَتَوِ يَدُحِ إِي فَوِ، نِوُبَل
نِزِشَغَوِ ةِئِمِ يَلِإِ، نَاتُّقِح
يَفَوِ، ةِأَشِ سَمَخَلُكِ يَفِ مُث
يَضِأَخَمُ تَنْبَ نِزِشَغَوِ سَمَخِ
ثَالِثَ نِزِشَمَخِ وَ ةِئِمِ يَفَوِ
يَلِوَالِكُ فِنَاتُسَيِ مُثِ، قِاقِح
تِسَلُكِ يَفِ دَاوِيَفِ
ةِقِحَ نِزِشَمَخِ يَلِإِ نِغَبْرَأَوِ
عِي بَاتِ أَرْقَبَ نِثَالِثِ يَفَوِ
نِغَبْرَأَوِ يَفَوِ ةِعِي بَاتِ وَأِ
دَاوِ أَمِ يَفَوِ، ةِنَسُمِ وَأِ نَسُمِ
يَلِإِ بَسُخِي نِغَبْرَأَوِ يَلِإِ
لُكِ يَفِ مُثِ، نِزِشَمَخِ

لُكْ يَفَوُ، عِي بَتَ نِي ثَالِثَ
 يَفَوُ، نَسْمَ نِي غَبْرَأَ
 ءَاشِ أَرْعَمَ وَأَنْ أَرْضَ نِي غَبْرَأَ
 نِي رِشْغَوِ يَدْحِ إِيوِ ءَئِمَّ يَفَوُ
 ءَاحِ أَوِوِ نِي تَئِمَّ يَفَوُ، نَاتِ أَشِ
 ءَئِمَّ غَبْرَأَ يَفَوُ، هَايِ شِ ثَالِثَ
 ءَاشِ ءَئِمَّ لُكْ يَفِ مْ ثَ، غَبْرَأَ

Ҳар беш туяда бир дона қўйни закотга бериш фарз бўлади. Сўнгра йигирма бештада бинти мухоз, ўттиз олтитада бинти лабун, қирқ олтитада ҳиққа, олтмиш биттада жазаъа, етмиш олтитада иккита бинти лабун, тўқсон биттада иккита ҳиққа - то бир юз йигирмагача.

Кейин ҳар бештада бир қўй. Йигирма бештада бинти мухоз ва бир юз элликтада учта ҳиққа. Сўнг аввалгига ўхшаб, янгитдан бошланади. Бас, ҳар қирқ олтитадан элликтагача бир ҳиққа зиёда қилинади.

Қорамолда: ўттизтада бир ёшли эркак ёки урғочи бузоқ. Қирқтада икки ёшли эркак ёки урғочи бузоқ. Қирқдан зиёда бўлганда то олтмиштагача ҳисобланади. Сўнгра ҳар ўттизтада бир ёшли эркак бузоқ. Ҳар қирқтада икки ёшли урғочи бузоқ.

Қирқта қўй ёки эчкида битта. Бир юз йигирма биттада иккита. Икки юз биттада учта, тўрт юзтада тўртта. Сўнг ҳар юзтада битта.

Фуқаҳоларимиз бу ҳукмларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадисларидан олганлар:

يَضْرِبُ رِزْكَ بَ أَبَا نَأٍ سِنَانًا نَع
أَذَهُ هَلَبَتَكَ هُنَعُ هَلَلَا
يَلِي هَهُجَّ وَأَمَلَبَاتِكُلَا
هَلَلَا مَسَبٍ نِيَرِحَبُلَا
هُضْرِي رَفِهَذَهُ مِيحْرَلَا نَمُحْرَلَا
لُؤْسَرَضْرَفِي تَلَاةَقَدَّصَلَا
هُيَلَعُ هَلَلَا يَلَصَهَلَلَا
نِي مِلْسُمَلَا يَلَعَمَلَسَو
هُلُؤْسَرَاهِبُهُ هَلَلَا رَمَأِي تَلَاو
نِي مِلْسُمَلَا نِمَاهَلِيئُسُ نَمَف
نَمَو، أَهْطُعِي لَفَاهَهُجَّو يَلَع
يَفِطُعِي لَفَاهَقُوفَلِيئُسُ

لِبِإِلَا نِمَ نِي رَشِغَوِغَبْرَأ
لُكْ نِم مَنَغَلَا نِم آهَنُودَ أَمَف
أَسْمَخُ تَغَلَبِ إِذَا، ءَاشِ سُمَخ
سُمَخِ يَلَا نِي رَشِغَوِ
تُنَبِ آهِي فَفَ نِي ثَالِثَوِ
تَغَلَبِ إِذَا، يَثُنُّ أِضَاخَم
سُمَخِ يَلَا نِي ثَالِثَوِ أَتِس
تُنَبِ آهِي فَفَ نِي غَبْرَأَوِ
تَغَلَبِ إِذَا، يَثُنُّ نُوْبَلِ
نِي تِسِ يَلَا نِي غَبْرَأَوِ أَتِس
لَمَجَلَا ءَقُورَطُ ءَقُوحِ آهِي فَفِ
نِي تِسِ وَءَدِحِ أَوِ تَغَلَبِ إِذَا
آهِي فَفَ نِي غَبَسِ وَ سُمَخِ يَلَا

أَتِسُّ تَعَلَبِ إِذِافِ، ةَعَدَجِ
نِيغَسْتِ يَلِإِ نِيغَبَسَو
إِذِافِ، نُوْبَلِ أَتُنْبِ أَهِي فَفِ
يَلِإِ نِيغَسْتِ وَيَدْحِإِ تَعَلَبِ
أَهِي فَفِ ةِئَامَو نِي رُشِعِ
إِذِافِ، لَمَجَلِ أَتَقُورَطِ نَاتُّقِحِ
ةِئَامَو نِي رُشِعِ يَلِعِ تَدَا
تُنْبِ نِيغَبْرَأُكُ يَفِ
نِي سُمَخُكُ يَفِ وَيُوْبَلِ
إِءِءِغَمُ نُنُكِي مَلُ نَمُو ةَقِحِ
سِي لَفِ لِبِإِ نِمُغَبْرَأِ
ءِشِي نَأِإِ ةَقَدَصِ أَهِي فِ
نِمِ أَسْمَخُ تَعَلَبِ إِذِافِ، أَهَبَرِ

هَوْرٌ ؕ ءَاشٌ ؕ اِهْيَافَ لِبِإِلَآ أَمْلُ سُمْ آلِ ءَسْمَخِ لَآ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр розияллоҳу анҳу у кишини Баҳрайнга юборганида ушбу мактубни ёзган эди:

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Ушбу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга фарз қилган садақа фарзидир. Буни Аллоҳ Ўз Расулига амр қилгандир. Бас, қайси бир мусулмондан уни тўғриликча сўралса, берсин. Кимдан ортиқча сўралса, бермасин. Йигирма тўрттадан кам туядан то бештагача ҳар бештасидан бир қўй. У(туя)лар йигирма бештага етгандан то ўттиз бештагача - урғочи бинти мухоз (бир ёшдан ошган урғочи туя). Ўттиз олтитага етгандан то қирқ бештагача - урғочи бинти лабун (икки ёшдан ошган урғочи туя). Қирқ олтитага етгандан то олтмиштагача - эркак туяга лойиқ ҳиққа (уч ёшдан ошган урғочи туя). Олтмиш биттага етгандан то етмиш бештагача - жазаъа (тўрт ёшдан ошган туя). Етмиш олтитага етгандан то тўқсонгагача - иккита бинти лабун. Тўқсон биттага етгандан то бир юз йигирматагача - эркак туяга лойиқ иккита ҳиққа. Бир юз йигирматадан ошганда ҳар қирқтасида - битта бинти лабун. Ҳар элликтасида - битта ҳиққа. Кимда тўрттадан ортиқ туя бўлмаса, улардан садақа йўқ. Лекин эгаси хоҳласа, мустасно. Туя бештага етса, ундан битта қўй».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.